ВИЛОЯТИМИЗДА ЗАМОНАВИЙ, БАРЧА ШАРОИТЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ГИМНАСТИКА МАРКАЗИ ЯҚИН КУНЛАРДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИ

Вилоятимизда замонавий, барча шароитларга эга бўлган Гимнастика маркази яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Ҳозирда бу ерда қурилиш ишлари якунига етказилмоқда.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов билан бирга Фарғона шаҳридаги вилоят гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби негизида барпо этилаётган Гимнастика марказининг қурилиш ишларини кўздан кечирди. Ҳудудни ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли бажариш борасида топшириқлар берилди.

Президентимизнинг 2022 йил 23 декабрдаги “Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Фарғона шаҳрида ҳам замонавий моддий-техника ва ўқув-машқ базасига эга бўлган ҳудудий Гимнастика спорт турларига тайёрлаш маркази ташкил этиш вазифаси белгиланган. “Файз бинокор” МЧЖ томонидан 74 млрд. сўм маблағ эвазига ошхона, 100 ўринли ётоқхона бунёд этилди, спорт зали ва бинолар реконструкция қилинмоқда.

Шунингдек, вилоят раҳбари Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят минтақавий филиалида янги қурилаётган поликлиникада бўлди. Бу ерда пардозлаш ишлари якунига етказилмоқда. Вилоят раҳбари қурувчиларга қурилиш ишларини тўлиқ ва сифатли якунлаш, жиҳозлаш ишларини тезлаштириш бўйича топшириқлар берди. Замонавий тиббий жиҳозларни, хусусан, МСКТ ускунасини ўрнатиш борасида вазифалар топширилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2024-09-13 14:28:09